



2019 йил у.г «5» март № 64-Қ Qo'shrahbot t, - р Кушрабад

2019 йил “Обод қишлоқ” дастури доирасида Тоз МФЙ ҳудудидан  
“Тоз маҳалла маъмурий биноси” қурилиши учун  
ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ““Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги ПФ-5386-сонли Фармони, ҳамда 2019 йил 20 февралдаги ““Обод қишлоқ” дастури 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4201-сонли қарори ҳамда Самарқанд вилоят ҳокимининг 2019 йил 26 февралдаги №03-01/27-сонли “Қўшработ тумани Жўш маҳалласида ўтказилган йиғилиши”да берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг далолатномасини инобатга олиб, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Тумандаги “Тоз” маҳалласи ҳудудидан туман ҳокимлиги захираси ҳисобида бўлган ер майдонидан, ердан фойдаланиш харитасининг 237-контуридан “Тоз маҳалла маъмурий биноси” қурилиши учун 0,06 гектар ер майдони ажратиш тўғрисидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг далолатномаси тасдиқлансин.
2. Тумандаги “Тоз” маҳалласи ҳудудидан “Тоз маҳалла маъмурий биноси” қуриш учун ажратилган 0,06 гектар ер майдонида қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин.
3. Туман бош архитектори в.б. (Ж.Абдиев), Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Қўшработ туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари (Н.Балманов)га ажратилаётган ер майдонини жойида (натурада) ўлчаб бериш, объектни лойиҳалаштириш, лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлашда, шунингдек қурилиш ишлари амалга оширилаётганда қонун ҳужжатлари талабларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни таъминлаш юклатилсин.
4. Қурилиш ишлари вилоят архитектура ва қурилиш бош бошқармаси томонидан тасдиқланган АРТ ва лойиҳа ҳужжатлари асосида ҳамда қурилиш лойиҳасини вилоят Давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекциясидан рўйхатдан ўтган ҳолда амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

5. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Б.Сиддиқов)га ажратилган ер майдони юзасидан ер хисоботиға (балансига) тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари Б.Аролов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими



Х.Оқбутаев

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини  
кўриб чиқувчи комиссиясининг

**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

Қўшработ тумани

« \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2019 й

1. Б.Аролов	туман ҳокимининг ўринбосари, комиссия раиси
2. Ж.Абдиев	туман бош архитектори, комиссия котиби в.б.
3. Б.Сиддиқов	туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими бошлиғи, комиссия котиби
4. Х.Мавлонов	туман электр тармоқлар корхонаси бошлиғи
5. Б.Усанов	5-сон туманлараро газ таъминоти участкаси Қўшработ худуди устаси
6. Ф.Болиев	“Сувоқова” ДУК туман филиали бошлиғи в.б.
7. А.Дастамов	туман ДСЭНМ бошлиғи
8. А.Ғаниев	туман ИИБ бошлиғи
9. З.Хатамов	туман экология ва табиатни муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи
10. А.Турунов	туман йўллардан фойдаланиш унитар корхонаси директори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги “Обод қишлоқ” дастури тўғрисида”ги ПФ-5386-сонли Фармони, ҳамда 2019 йил 20 февралдаги “Обод қишлоқ” дастурини 2019 йилда амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4201-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Самарқанд вилоят ҳокимининг 2019 йил 26 февралдаги №03-01/27-сонли “Қўшработ тумани Жўш маҳалласида ўтказилган йиғилиши баёни”ни ижросини таъминлаш мақсадида, “Тоз” МФЙ худудидан МФЙга мамурий биноси қуриш учун туман ҳокимлиги захира ер фондидаги ер майдонидан, ердан фойдаланиш харитасининг 237-контуридан Мамурий бино қурилиши учун жами 0,06 гектар ер майдонида ер танлаш ўтказилди

Танланган ернинг умумий майдони 0,06 гектарни ташкил этади.

**Ер майдони чегаралари:**

Шимолдан	- ички йўл
Жанубдан	- ҚВП биносига танланган ер майдони
Шарқдан	- ички йўл
Ғарбдан	- мактаб биноси

**Мухандислик тармоқлари:**

Электр таъминоти	- техник шартга кўра уланиш кўзда тутилган
Ичимлик суви	- техник шартга кўра уланиш кўзда тутилган
Табий газ таъминоти	- техник шартга кўра уланиш кўзда тутилган
Алоқа тармоғи	- техник шартга кўра уланиш кўзда тутилган

**КОМИССИЯ ХУЛОСАСИ:**

Танланган ер майдони ёнгин хавфсизлиги ва санитария гигиена талабларига жавоб беради. Ушбу далолатнома тегишли ташкилотларнинг келишилганлиги тўғрисидаги хужжат ҳисобланади. Туман ҳокимлиги захира ер майдонидан Тоз МФЙ худудидagi қишлоқ хўжалигида фойдаланиш харитасининг 237-контуридан “МФЙга мамурий бино қуриш учун” ажратилган жами 0,06 гектар ер майдонини ажратиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин, мавжуд ариқ ва йўллардан фойдаланиш кўзда тутилсин.

Ушбу далолатноманинг тасдиғи туман ҳокимлигидан сўралсин.